
Олтинчи чақириқ халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгашининг навбатдаги 91-сессияси бўлиб ўтди

Унда кун тартибига киритилган масалаларга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессия ишига шаҳар ҳокими, Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши раписи Ш.Нисбатхонов раислик қилди ҳамда олиб борди.

Сессия кун тартибида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларини ўтказиш учун тузилган участка сайлов комиссияси таркибига номзодларни вилоят сайлов комиссиясига тавсия этиш тўғрисида ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Сессия якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида халқ депутатлари шаҳар кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

2024-08-21 18:11:09